

6-қисм – Ишларга нисбатан талаблар

Мундарижа

Қишлоқ ҳудудларининг комплекс тараққиёти учун уй-жой қурилиши инвестицион дастури	6-1
ОТБ кўмагида кўп тармоқли инвестиция дастури.	6-1
Лойиҳа тузилмаси ва мониторинги матрицаси.....	6-1
Тадбиқ ва ижро этиш муассасалари.	6-1
Маҳаллий бошқарув органлари (<i>ҳокимият</i>).....	6-1
Қишлоқ Қурилиш Банк (ҚҚБ) ва Қишлоқ Қурилиш Инвест (ҚҚИ).	6-2
Объект танлови ҳамда ижтимоий ва экологик муҳофаза чоралари бажарилишининг экспертизаси.	6-2
Қишлоқ аҳоли пунктларининг комплекс бош режалари.	6-2
Объектга бориш йўллари, қурилиш объектдан коммуникациялар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш.	6-3
Қурилиш ишлари пакети.	6-3
Тендер ҳужжатлари ва пудратчиларни танлаш тартиби.	6-3
Қурилиш назорати ва текширув ўтказиш тартиби.	6-4
ҚХУҚС доирасида янги уй харидори учун бир йиллик кафолат.	6-5
Шартнома бўйича бўнак ва оралиқ тўловлар.	6-5
Назорат	6-5
Ҳисоб рақамларнинг сайланма текшируви ва техник ва молиявий фаолият натижалари аудити.....	6-7
6.1-илова. ҚХКТИ бўйича янги уйга бир йиллик кафолат	6-8
Бош режа	6-9
Объектнинг бош режаси ва объектдан фойдаланишни таъминлаш мақсадида ижро этиш режаси.	6-9
Объектнинг жойлашуви.	6-9
Объектнинг экспертизаси.	6-9
Объектнинг.....	6-9
Объектдаги тупроқ шарт-шароитлари.	6-9
Объектдаги ер ости сувлари шароитлари.	6-10
6.2-илова. Объект бош режаси	6-10
6.3-илова. Объектга бориш йўллари ва коммуникациялардан фойдаланиш режасининг ижроси	6-10

Ишчи лойиҳалар.....	6-11
Лойиҳалашнинг миллий стандартлари.....	6-11
Ишчи лойиҳалари.....	6-11
6.4-илова. Бир қаватли 3 хонали уйнинг ишчи режаси.....	6-13
6.5-илова. Бир қаватли 4 хонали уйнинг ишчи режаси.....	6-14
6.6-илова. Бир қаватли 5 хонали уйнинг ишчи режаси.....	6-15
ҚҲУҚС доирасида янги уй-жойларни лойиҳалаш стандартлари	6-16
ҚҲУҚС доирасида янги уй-жойларни қуриш стандартлари.....	6-16
Қурилиш меъёрлари.....	6-16
Уй пойдеворига оид стандартлар.....	6-16
Конструктив элементлар.....	6-16
Алоқа воситаларига уланиши.....	6-17
Электр токи ва симларнинг ўрнатилиши.....	6-17
Газ таъминоти.....	6-17
Иситиш ва шамоллатиш.....	6-17
Сув таъминоти, канализация, санитария-техник ускуналар.....	6-18
Ички пардозлаш ишлари.....	6-18
Қўшимча иншоотлар.....	6-18
Зилзилабардошлик чора-тадбирлари.....	6-19
Ёнғинга қарши ва коррозияга қарши чоралар.....	6-19
Жамлама сметаси	6-21
6.7-илова. Бир қаватли 3 хонали уйнинг қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси.....	6-22
6.8-илова. Бир қаватли 4 хонали уйнинг қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси.....	6-23
6.9-илова. Бир қаватли 5 хонали уйнинг қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси.....	6-24
6.10-илова. Асосий инженерлик коммуникацияларига уланиш учун қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси.....	6-25
6.11-илова. 10 уйнинг қўшимча жиҳозланиши пакетлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси.....	6-26
6.12-илова. 10 уйнинг қурилиш ишлари ҳажми бўйича якуний қайднома.....	6-27

Қишлоқ ҳудудларининг комплекс тараққиёти учун уй-жой қурилиши инвестицион дастури

1. ОТБ кўмагида кўп тармоқли инвестиция дастури. Қишлоқ ҳудудларининг комплекс тараққиёти учун инвестиция (ҚХҚТИ) дастурига биноан уй-жой қурилиши – Ҳукуматнинг кўп тармоқли дастури бўлиб, у қишлоқ ҳудудларда турмуш даражасини янада юксалтириш ва даромад олиш учун имкониятларни янада кенгайтириш орқали инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган. ОТБ кўмагида Дастур янада такомилроқ уй-жойга эгалликни кенгайтириш ҳамда қишлоқ ҳудудларида инвестицион муҳитни юксалтириш орқали қишлоқда турмуш шароитини яхшилаш, янги иш жойлари ва даромад манбаларини яратишга қаратилган. Дастур кўп траншли молиялаштириш механизми кўринишида таклиф қилинган бўлиб, “Қишлоқ ҳудудларида уй-жой қурилиши” схемаси (ҚХУҚС) орқали қишлоқ ҳудудларда мўътадил ва кам даромадли қарз олувчилар (ёш оилалар ва биринчи бор уй-жой харид қилаётган шахслар, ўқитувчилар ва тиббий ходимлар (аёллар аксариятни ташкил этувчи икки соҳа) ва бошқа малакали мутахассислар (мўлжалдаги фойдаланувчилар)) учун янги замонавий уйлар харид қилиниши мақсадида арзон ипотека кредитларини молиялаштириш учун молиявий воситачилар иштирокида қатор қарзлар беришдан иборатдир.

2. Лойиҳа тузилмаси ва мониторинги матрицаси. ҚХҚТИ стратегик тарзда қишлоқ ҳудудларда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда мўлжалдаги бенефициарларга сифати юқорироқ уй-жой таъминлаб, қишлоқ ҳудудларида қурилишни ривожлантириш ҳамда иш жойларини яратишга мўлжалланган. Уч таркибий қисми орқали ҚХҚТИ учта натижага қаратилган: (1) қатнашаётган тижорат банклари томонидан мўлжалдаги қарз олувчиларга қишлоқда янги уй хариди учун ипотека кредитлари бериш; (2) қишлоқнинг комплекс тараққиёти режалари ва инвестицияларни рағбатлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва татбиқида марказий давлат органлари (хокимиятлар)нинг салоҳиятини юксалтириш; ҳамда (3) кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти учун шароитни яхшилаш ва қишлоқ ҳудудида янги корхоналар ва иш жойларини яратиш.

3. Тadbиқ ва ижро этиш муассасалари. Иқтисодиёт вазирлиги (ИВ) Дастурнинг ижрочи муассасаси бўлиб, Дастур тadbиқи гуруҳини (ДТГ) тайинлайди ва ушбу гуруҳ Дастурнинг умумий бошқаруви, мувофиқлаштириш ва тadbиқи учун жавобгар бўлади. ДТГ яна салоҳиятни кучайтириш ҳамда Дастур мониторинги ва баҳоловида техник кўмак кўрсатади. Иштирокчи тижорат банклари (ИТБ) 1-компонент бўйича тadbиқ қилувчи агентлик бўлиб, ИВ/ДТГ 2- ва 3-компонентлар бўйича тadbиқ қилувчи муассаса бўлади.

4. Маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимият). Вилоят ҳокимиятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши туман ҳокимиятлари билан биргаликда ҚХҚТИда муҳим ўрин тутишади. Вилоят ва туман ҳокимиятлари қуйидаги масъулиятга эга:

- a) ҚХҚТИ бўйича қишлоқ туманларида уй-жой қурилиши учун давлат ерини белгилаш ва ажратиш;
- b) Янги аҳоли пунктлари (массивлар) яратилиши учун комплекс бош режалар тузиб, (1) асосий инженер коммуникациялари (сув таъминоти и оқава, электр ва газ таъминоти); (2) алоқа воситалари; (3) асосий йўллар ва жамоат транспорти; (4) ижтимоий инфратузилма объектлари, яъни мактаблар ва тиббий муассасалар; ҳамда (5) тижорат ва маданият муассасалари билан боғланишини таъминлаш;
- c) Объектда ижтимоий ва экологик муҳофаза чораларининг давлат ва ОТБ

стандартларига мувофиқлиги борасида экспертиза ўтказиш;

d) Массив/объектга боровчи йўл мавжудлиги, объектнинг инженерлик коммуникациялари, электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва канализацияга уланганлиги ҳамда кўчалар қурилиши ҳамда жамоат ва тижорат муассасалари мавжудлигини таъминлаш;

e) Туман/вилоят учун устувор йўналишларни белгилаш;

f) ҚХУҚС ни тарғибот қилиш ва ҚХУҚСга доир муҳим маълумотларни етказиб, ҚХУҚС мўлжалидаги бенефициарлар орасида талабни рағбатлантириш;

g) ҚХУҚС бенефициарларини аввалдан белгиланган устувор мезонларга мувофиқ танланишини таъминлаш.

h) ҚХУҚС доирасида янги уйлар қурилиши учун пудратчиларни танлаш ва қурилиш сифатини устидан назорат ва янги уйларни топшириш жараёнлари устидан тартибга солувчи органлари назоратига кўмаклашиш.

5. Қишлоқ Қурилиш Банк (ҚҚБ) ва Қишлоқ Қурилиш Инвест (ҚҚИ). 2009 йилда ҚХКТИ татбиқи бошланганидан буён, ҚҚБ ҚҚИ (ҚҚБнинг инженерлик филиали ва ҚҚБнинг мулки) билан биргаликда қишлоқ ҳудудларда давлат қурилиш режасининг татбиқига масъулдир. 2009, 2010 ва 2011 йилларда бутун мамлакатдаги 500 массивларда тахминан 15 000 уй қурилишида орттирилган тажрибага асосланиб, ҚҚБ ва ҚҚИ 2012 йилда ҚХКТИ татбиқиди раҳбарликни давом эттиришади. ҚҚБ 1-транш бўйича ягона ИТБдир, ҚҚИга эса ҚХУҚС доирасида мамлакатда янги уйлар қурилишида вилоят ҳокимиятларига кўмаклашиш ва қурилиш назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

6. Объект танлови ҳамда ижтимоий ва экологик муҳофаза чоралари бажарилишининг экспертизаси. Туман/вилоят ҳокимиятлари таклиф қилган объектлар Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (ДАТҚ), Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси ва Давлат табиат муҳофазаси қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказилади ва тасдиқланади. Таклиф қилинган ҚХУҚС объектлари қуйидаги мақсадларда экспертизадан ўтказилади: (1) вилоят/туманнинг умумий ривожланиш режаларига мувофиқлик; (2) асосий инженер коммуникациялари, маҳаллий йўллар ва жамоат транспортига уланганлиги; (3) янги уй-жой, ижтимоий, маданий ва тижорат бинолари қурилиши учун мувофиқлиги; (4) ижтимоий ва экологик муҳофаза чораларига оид миллий қонунчилик ва талабларга мувофиқлик.

7. ОТБ талабларига биноан ҳар бир ИТБ қуйидаги мақсадларда экологик ва ижтимоий масалаларини бошқариш тизимини (ЭИМБТ) қабул қилиши ва жорий этиши ҳамда танлов мезонлари ва мониторинг тартибига амал қилиши зарур: (1) ҚХУҚС дуч келувчи экологик ёки ижтимоий хатарлар минимал даражада ёки умуман йўқ; (2) объектлар аҳолисидан ҳеч ким мажбурий кўчирилмайди ёки ижтимоий ёки атроф муҳит хатарларига дуч келмайди; (3) уй-жой қурилиши учун барча объектлар (а) давлат ер фонди тоифасига тегишли; ва (б) техник ва экологик нуқтаи-назардан уй-жой қурилиши учун мувофиқ сифатида сертификатлаштирилган. Қурилиш ишлари шартномалари имзоланишидан аввал тегишли экспертиза ўтказилиб, ОТБ молиялаштирувчи янги уйлар ва лотлар ОТБ талабларига мувофиқлиги таъминланади.

8. Қишлоқ аҳоли пунктларининг комплекс бош режалари. Қишлоқ аҳоли пунктларининг комплекс бош режалари ҳар бир ҚХУҚС объекти учун вилоят лойиҳа институти томонидан ҚҚИ топшириғига биноан тузилади. Комплекс бош режаларнинг намунаси Қишлоқ Қурилиш Лойиҳа томонидан “янги қишлоқ аҳоли пунктлари ва уй-жой”

ҳамда тегишли ижтимоий инфратузилма объектлари (мактаблар ва тиббий муассасалар), жамоатчилик ва тижорат объектлари қурилиши” учун давлат стандартлари асосида тузилган. ҚҚЛ томонидан ишлаб чиқилган ушбу стандартлар Ҳукуматнинг қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан келгуси қарашларини акс эттиради ҳамда замонавий архитектура ва қурилиш режалари ҳамда илғор қурилиш технологиялари ва материалларидан фойдаланишни кўзда тутди. Комплекс бош режаларда кўчалар, алоҳида уйларнинг жойлашиши, инженерлик коммуникациялари ва тармоқларга уланиши, ҳамда ижтимоий муассасалар (мактаблар, тиббий муассасалар, боғлар ва ҳ.к.) ва тижорат объектлар/чакана савдо муассасаларининг жойлашиши кўрсатилади. **Мазкур қурилиш ишлари пакетида доир КҲУҚС массивининг бош режаси 6.1.- иловада келтирилган. Бош режада қурилиш ишларининг ҳар бир пакети жойлашиши кўрсатилиб, улар бўйича тендер таклифлари сўралади ҳамда муайян иш пакети доирасида қурилиши режалаштирилган 10 уйдан ҳар бирининг жойлашиши аниқлаштирилади.**

9. Объектга бориш йўллари, қурилиш объектидан коммуникациялар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш. Туман ҳокимиятлари объектларга бориш йўлларини таъминлаш учун масъул ва тегишли коммунал хизмат агентликлари (Ўзбекэнерго, Ўзтрансгаз) ва давлат муассасалари (Йўл хўжалигига масъул вазирлик/идора ва сув таъминоти ва оқава бўйича вазирлик/идора) билан яқин ҳамкорликда асосий коммунал хизматлар –электр энергия, газ, сув таъминоти ва канализацияга объектни ўз вақтида улаш ҳамда объект ҳудудидаги кўча/йўллар ҳамда жамоатчилик ва тижорат объектлари қурилишини ўз вақтида яқунланиши учун масъулдир. **6.2.-иловада қуйидаги ишлар жадвали келтирилган (1) объектга бориш йўллари қурилиши (2) объект ва алоҳида уйларнинг коммунал хизматларга электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти ва канализацияга уланишини таъминлаш; (3) Объектда кўча/йўл ҳамда жамоатчилик ва тижорат объектлари қурилиши.**

10. Қурилиш ишлари пакети. Дастурнинг асосий мақсадларидан бири қурилиш индустриясидаги кичик ва ўрта бизнеснес ривожланишига кўмаклашишга қаратилган. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 29.01.2009 қабул қилинган № 1051 Қарорига биноан маҳаллий пудратчилар жалб қилиши қўллаб-қувватланиб, қурилиш ишлари пакетида 10 янги уйлар қурилиши кўзда тутилади.¹ Лекин малакавий талабларга жавоб берувчи пудратчилар биттадан кўпроқ ишлар пакети бўйича тендер таклифи бериши мумкин. Техник ва нарх талабларига жавоб берадиган катта корхоналар массивда 1 (битта) контрактдан ортиқ, вилоятда 3 (учта) ёки хаммаси бўлиб 30 (уттиз)та контрактдан ошиши керак эмас. Катта корхоналар кичик ва ўрта бизнес корохоналари билан ҳамкорлик ташкил этилган холларда, 10 (ўнта) қўшимча контракт ёки кўпи билан Республика бўйича 40 (қирик)та контракт олишлиги мумкин. Лекин, ҳамкорчиликдаги томонлар бир хилда контракт мажбуриятларга жавоб беришлиги шарт.

11. Тендер ҳужжатлари ва пудратчиларни танлаш тартиби. Миллий конкурс савдосини ўтказиш тартибига биноан тендер ҳужжатлари туман/вилоят ҳокимиятлари томонидан ишлаб чиқилган ва тарқатилган. Ҳар бир пакет конкурс савдоларига таклиф, сўзбоши ва 1-9 бўлимлардан иборат. 6 бўлим вилоят лойиҳа институтлари ёрдамида тузилган бўлиб, унда қуйидаги иловалар келтирилган:

¹ 24.11.2010 қабул қилинган № 05/1-705 Баённомада, маҳаллий пудратчиларнинг салоҳияти даражасини эътиборга олиб (яъни, иш тажрибаси, ускуналар ва техникавий базаси), бир пудратчи томонидан 10тадан кўпроқ уй қурилмаслиги белгиланган.

- a) Илова 6.1: ҚХУҚС доирасида қурилган янги уйга бир йиллик кафолат;
- b) Илова 6.2: Объектнинг бош режаси;
- c) Илова 6.3: Объектга бориш йўллари ва асосий коммуникацияларга уланиш режасининг татбиқи;
- d) 6.4, 6.5 и 6.6-иловалар: ҳар бир таклиф қилинган уч турдаги (уч хонали, тўрт хонали ва беш хонали уйлар) уйлар бўйича доирасида ишчи лойиҳалар;
- e) Ҳар бир турдаги уйлар бўйича муайян объектларга доир қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси;
- f) Илова 6.10: 10 уй асосий коммуникацияларга уланишига доир қурилиш ишлари ҳажми қайдномаси;
- g) Илова 6.11: ҚХКТИ доирасида 10 уй харидорлари танлаган уйни қўшимча жиҳозлашга оид қурилиш ишлари қайдномаси;
- h) Илова 6.12: Барча ишлар пакетига оид қурилиш ишлари ҳажмининг якуний қайдномаси (унда тасдиқланган 10 мўлжалдаги қарз олувчилар топшириғига асосланиб, учта уйнинг ҳар бир лойиҳасининг умумий қиймати аниқ кўрсатилади).

12. Тендер таклифларини баҳолаш, тендер таклифларини баҳолаш натижалари тўғрисида ҳисобот, якуний тавсиялар вилоят ҳокимияти қошида ҚХКТИ доирасида конкурс савдони ўтказиш комиссиясининг Туман ишчи гуруҳи томонидан тасдиқланади². Шартнома тузилиши ҳақида якуний қарор ҚХКТИ доирасида конкурс савдони ўтказиш ва харид қўмитаси томонидан тасдиқланади ва чоп этилади³.

13. Қурилиш назорати ва текширув ўтказиш тартиби. 2012 йилда ҚХУҚС доирасида янги уйлар қурилишида ҚҚИ *вилоят/туман ҳокимиятлари* (иморат солувчи) ва ҚХУҚС бўйича уй харидорлари вакили сифатида ҚХУҚС доирасида бутун мамлакатда янги уй қурилиши устидан назорат юритади. Ишчи лойиҳалар ва қурилишнинг техник шартлари ҳамда миллий қурилиш меъерлари ва қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ҚҚИ тегишли назорат органлари орасида ҳамкорлик ва янги уйлар қурилиши сифати устидан умумий назорат юритишга масъулдир. ҚҚИдан ташқари, **1.03.0796-рақамли КМК “Қурилишни лойиҳалаштириш ва техник назорати тўғрисида Низом”** га биноан ҚҚЛ ва вилоят лойиҳа институтлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига қурилиш жараёнида мунтазам равишда қурилишни назорат қилиш ҳамда давлат қурилиш меъерлари ва қоидаларига мувофиқликни сертификатлаш юкланган. Низом талабига биноан текширув жараёнининг ҳар бир босқичи “Лойиҳалаштириш ва қурилишнинг техник назорати журнали”да ҳужжатлаштириб борилиб, текширув пайтида аниқланган барча номувофиқликлар ва қурилиши зарур чоралар ёзиб борилади. Журнал икки нусхада олиб борилиб, бир нусха объектда қолдирилади ва икки нусха ҚҚЛ ёки вилоят лойиҳалаштириш институтига сақлаш учун юборилади.

14. Пудратчидан ишлар якунлангани ҳақида огоҳлантириш олингандан сўнг 5 кун давомида ҚҚИ ҚХКТИ доирасида янги уй харидорини эксплуатацияга қабул қилиш бўйича

² Туман баҳолаш гуруҳи (ТБГ) таркиби ва аъзолари Вилоят Тендр Қўмитаси томонидан тасдиқланади.

³ Вилоят Тендр қўмитаси (ВТҚ) таркиби ва аъзолари ПҚ - 1083, 11 Январ 2012 йилдаги қарорига асосан тасдиқланади

Ишчи гуруҳ фаолиятига ва Ишчи гуруҳнинг қабул далолатномасини имзолашга таклиф қилади. Ишчи гуруҳ таркибига ҚҚИ, Пудратчи вакиллари, тегишли назорат органлари вакиллари киради. Ишчи гуруҳ томонидан текширув қурилиш сифати, инженерлик тизимлари (электр энергияси, санитария ва техник ишлар, иситиш ва вентиляция), ускуна ва ўрнатгичлар, қўшимча қурилмаларга (қозонхона, ҳовлидаги ҳожатхона, автомобиль учун соябон, йўлак ва девор) қаратилади. Бажарилган иш сифатини якуний текширувидан сўнг Ишчи гуруҳнинг барча аъзолари томонидан Ишчи гуруҳнинг қабул далолатномаси имзоланади. ҚХҚТИнинг янги харидорига Қурилиш назорати бўйича Давлат Комиссиясининг эксплуатацияга қабул қилиш ҳақида далолатномаси берилади.

15. ҚХУҚС доирасида янги уй харидори учун бир йиллик кафолат. ҚХУҚС доирасида янги уй харидорлари томонидан шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ҳозирги пайтда ишлаб чиқиш ва татбиқ жараёнида бўлиб, қўшимча равишда янги уйга бир йиллик кафолат берилади. Янги уйга йиллик кафолат 6.1.-иловада келтирилган.

16. Шартнома бўйича бўнак ва оралиқ тўловлар. Шартнома имзоланганидан сўнг, аванс тўлови кафолати асосида, шартнома қийматининг 25 фоизи ҳажмида аванс тўлов киритилади. Ишларнинг ҳар бир босқичи якунланганидан сўнг тегишли ишларнинг оралиқ тўлови киритилиб, ундан бўнакнинг тегишли қисми ва оралиқ тўловнинг **5 фоизи миқдорида маблағ** ушлаб қолинади.

Босқич	Бажариш мезонлари	Кутилган якунлаш муддати	Шартнома қийматидан % ҳисобида оралиқ тўлов
1.	Барча 10 уйнинг пойдевори якунланиши	Ишлар бошланган санадан сўнг 2 ой	25%
2.	Барча 10 уйнинг ғишт терилиш ишлари якунланиши	Ишлар бошланган санадан сўнг 4 ой	20%
3.	Барча 10 уйнинг томи ёпилиши	Ишлар бошланган санадан сўнг 6 ой	25%
4.	Барча 10 уйнинг ички пардоз ишлари якунланиши	Ишлар бошланган санадан сўнг 8 ой	15%
5.	Барча 10 уйнинг ташқи пардозлаш якунланиши	Ишлар бошланган санадан сўнг 9 ой	15%

17. Назорат кўрсаткичлари ва тўловларни тасдиқлаш. Назорат кўрсаткичлари ҳар бир босқич учун кўрсаткичлар белгиланиб, қуйидаги жадвалда келтирилган. Иш кўрсаткичлари Лойиҳалаштириш ва қурилишнинг техник назорати Журнали билан солиштирилади ёки иложи бўлса уй харидори ва ҚҚИ томонидан тўлов тасдиқланишидан аввал визуал тарзда ўтказилади.

Босқич	Бажариш	Назорат кўрсаткичлари
--------	---------	-----------------------

	мезонлари	
1.	Барча 10 уйнинг пойдевори яқунланиши	<p>a) Котлован узунлиги, кенглиги ва чуқурлигини тасдиқлаш</p> <p>b) Котлован гидроизоляцияси учун битумдан фойдаланганликни тасдиқлаш</p> <p>c) Котлован пўлат арматура билан мустаҳкамланишини тасдиқлаш</p> <p>d) Цемент пойдеворларнинг яқунланганини визуал тасдиқлаш</p> <p>e) Барча бетон конструкциялар сифатини лабораторияда тасдиқлаш</p>
2.	Барча 10 уйда ғишт терилишининг яқунланиши	<p>a) Қурилиш меъерларига биноан ғиштли конструкциялар учун ишлатилган қоришма сифатини лабораторияда тасдиқлаш</p> <p>b) Деворлар вертикал текислиги ва қаватлар орасидаги тўсиқларнинг горизонтал равишда текислигини тасдиқлаш</p> <p>c) Деворлар баландлиги, кенглиги ва узунлигини тасдиқлаш</p> <p>d) Дераза ва эшик қутиларининг жойлашиши ва ҳажми режага мувофиқлигини тасдиқлаш</p>
3.	Барча 10 уйларда том ёпиш ишлари битирилиши	<p>a) Том конструкциялари учун кимёвий ишлов берилган ёғочдан фойдаланганликни тасдиқлаш</p> <p>b) Том нишабининг режага мувофиқлигини тасдиқлаш</p> <p>c) Черепицанинг текис ётқизилганини визуал тасдиқлаш</p> <p>d) Ҳаво сўрувчи/ҳайдовчи вентиляция тешиклари ўрнатилганини тасдиқлаш</p>
4.	Барча 10 уйнинг ички пардозлаш ишлари яқунланганлигини тасдиқлаш	<p>a) Ички деворларнинг жойлашиши ва вертикал текислигини режага мувофиқлигини тасдиқлаш</p> <p>b) Ўрнатилган дераза ва эшик блоклари ҳолати ва ҳажмларини режага мувофиқлигини тасдиқлаш</p> <p>c) Инженерлик коммуникациялари (алоқа/телефон/Интернет), электр энергияси, газ, иситиш сув таъминоти ва оқава) ҳолати, жумладан қувурлар, симлар, кранлар/розеткаларнинг режага мослигини тасдиқлаш.</p> <p>d) Девор пардозланишининг сифати ва бир хиллигини визуал тасдиқлаш</p>
5.	Барча 10 уйнинг ташқи пардозлаш ишларининг яқунланганлигини тасдиқлаш	<p>a) Қуриган йўлак ва деворнинг талабга мувофиқлигини визуал тасдиқлаш</p> <p>b) Қўшимча қурилмалар, жумладан автомобиль учун соябон, ташқи ҳожатхона, қозонхона қурилиши яқунланганини визуал тасдиғи</p>

18. Ҳисоб рақамларнинг сайланма текшируви ва техник ва молиявий фаолият натижалари аудити. Лойиҳа ҳисоблари ва тегишли молиявий ҳисоботларининг йиллик молиявий аудитига қўшимча равишда, малакаси, тажрибаси ва ваколати ОТБ учун етарли бўлган мустақил аудиторлар томонидан ҳисоб рақамлар ва ижрочи муассасаларнинг ва иштирокчи пудратчиларнинг молиявий ҳисоботлари аудити танлов асосида ўтказилади. Ундан ташқари, техник ва молиявий фаолият натижаларининг ҳар йиллик аудити ҳамда ҚХУҚС доирасида қурилган янги уйларнинг нарх ва сифат нуқтаи назаридан мувофиқлиги экспертизадан ўтказилади. Техник ва молиявий фаолият натижаларининг йиллик аудити қуйидагиларни баҳолашдан иборат: (1) ҚХУҚС доирасида қурилган янги уйларни нарх ва сифат, ҳамда қурилиш сифати нуқтаи-назаридан баҳолаш; ва (2) қийматни юксалтириш ва ҚХУҚС ижроси жараёнида (жумладан харид ва пудратчилар танлови) ва сифат назорати жараёнида (жумладан қурилиш назорати ва сифатни таъминлаш тартиби).

6.1-илова. ҚҲКТИ бўйича янги уйга бир йиллик кафолат

Бош режа

_____ вилояти, _____ тумани,
_____ қишлоғи/шаҳри _____ массиви

19. Объектнинг бош режаси ва объектдан фойдаланишни таъминлаш мақсадида ижро этиш режаси. _____ массивнинг бош режаси 6.2-иловада, ва Йўл тармоғи ва инженерлик коммуникацияларидан фойдаланиш имконини таъминлаш режаси 6.3-иловада келтирилмоқда.

20. Объектнинг жойлашуви. Уй-жой қурилишининг янги объекти _____ вилояти, _____ тумани, _____ қишлоғи/шаҳрида жойлашган бўлиб, _____ массиви деб, аталади. Объектдан шимолда _____ (объектлар қурилмаган ва фойдаланилмаётган давлат ери, уй-жой комплекслари, савдо шаҳобчалари, бошқа объектлар – кўрсатинг) жойлашган, объектнинг жанубида _____, шунингдек, шарқ ва ғарб томонларида _____ ва _____ жойлашган.

21. Объектнинг экспертизаси. Объект экспертизасининг қуйидаги усуллари (ёки Объектни текшириш бўйича Ҳисоботлар) тайёрланган:

Объектни баҳолаш	Масъул идора	Баҳолаш амалга оширилган сана
1. Объектда олиб борилган геоморфологик, топографик ва геодезик тадқиқотлар		
2. Объектдаги геологик тавсифлар ва тупроққа оид шарт-шароитлар		
3. Объектдаги ер ости сувлари шароитлари		

22. Объектнинг геоморфологияси. Объект (... даги _____-сонли Топографик ва геодезик тадқиқотлар олиб бориш бўйича шартномага кўра) _____ (масалан, тоғ олди **аллювиал текислик**) деб таснифланади, денгиз сатҳидан баландлиги _____ м _____ м. гача ўзгариб туради. Жойнинг рельефи **нисбатан ясси**, _____ (шимол/жануб/шарқ/ғарб) дан _____ (шимол/жануб/шарқ/ғарб) га **бироз оғиш** мавжуд.

23. Объектдаги тупроқ шарт-шароитлари. Объектдаги тупроқ турлари **қумоқли тупроқ бўлиб, чуқурлиги Х,Х дан Х,Х гача бўлган ҳажамни ташкил этади.** Чўкишга оид грунтли шароитлар тури 1 Тоифага мос келади ва ГОСТ 10178-85* давлат стандартига кўра бетонга нисбатан **агрессив эмас**, деб таснифланади.

24. Объектдаги ер ости сувлари шароитлари. Объектдаги ер ости сувлари ўрта ҳисобда **X,X** м чуқурликда жойлашган бўлиб, ГОСТ 10178-85* давлат стандарига кўра бетонга нисбатан **агрессив эмас**, деб таснифланади.

6.2-илова. Объект бош режаси

6.3-илова. Объектга бориш йўллари ва коммуникациялардан фойдаланиш режасининг ижроси

Ишчи лойиҳалар

25. Лойиҳалашнинг миллий стандартлари. Лойиҳалашнинг миллий стандартлари Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши (ҚҲҚТИ) доирасида янги уйлар учун Қишлоқ Қурилиш Лойиҳа томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (ДАҚҚ) томонидан тасдиқланган. ҚҲҚТИ доирасида у амалга оширила бошланганидан буён ишлаб чиқилган 30 та янги уй-жойлар турлари намуналаридан 2012 йил учун уларга нисбатан энг кўп талаб кузатилаётган учта намунадан фойдаланилади. Учта намунанинг ҳар бири 600м² майдонли, алоҳида ошхона, ванна ва айвонли уй-жой учун мўлжалланган. Вилоят лойиҳалаш институтларига ҚҲҚТИ учун мўлжалланган объектларнинг ҳар бири учун уй-жойларнинг уч хил намунаси бўйича батафсил лойиҳаларни тайёрлаш топширилди. Вилоят лойиҳалаш институтлари ДАҚҚ кўмагида ҚҚИ томонидан танлов ўтказиш йўли билан аниқланади.

26. Ишчи лойиҳалари. Ишчи лойиҳалари (3) ва ишлар ҳажми қайдномаси (3) ҳар бир объектдаги топографик, геологик ва тупроққа оид шарт-шароитларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ҳар бир уй-жой ва ёрдамчи қурилмалар (қозонхона, ҳовлидаги ҳожатхона, автомобиль учун айвон, йўлаклар ва панжара) намуналари бўйича батафсил лойиҳалар ва харажатлар сметаси [] вилоят лойиҳалаш институти ([] сонли лицензия, [] кун [] ойда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан берилган) томонидан тайёрланган ва ДАҲБҲ ва Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳудудий бўлимлари томонидан текширилган. Учта иш лойиҳалари 6.1, 6.2, ва 6.3. иловаларда келтирилган.

i. 6.4 - илова: Бир қаватли 3 хонали уйни қуриш бўйича намунавий лойиҳа, №ТР 184-32с-10 сонли лойиҳа

Умумий майдони	178,2 м ²
Айвонсиз бинонинг майдони	126,5 м ²
Айвон	15,4 м ²
Турар-жой майдони	72,6 м ²
Уй учун умумий қурилиш майдони	883,2 м ³

ii. 6.5 - илова: Бир қаватли 4 хонали уйни қуриш бўйича намунавий лойиҳа, №ТР 184-33с-10 сонли лойиҳа

Умумий майдони	187,6 м ²
Айвонсиз бинонинг майдони	135,9 м ²
Айвон	15,4 м ²
Турар-жой майдони	78,8 м ²
Уй учун умумий қурилиш майдони	940,0 м ³

iii. 6.6 - илова: Бир қаватли 3 хонали уйни қуриш бўйича намунавий лойиҳа, №ТР

184-32Хс-10 сонли лойиҳа

Умумий майдони	235,3 м ²
Айвонсиз бинонинг майдони	169,8 м ²
Айвон	24,7 м ²
Турар-жой майдони	108,4 м ²
Уй учун умумий қурилиш майдони	1185,4 м ³

6.4-илова. Бир қаватли 3 хонали уйнинг ишчи режаси

6.5-илова. Бир қаватли 4 хонали уйнинг ишчи режаси

6.6-илова. Бир қаватли 5 хонали уйнинг ишчи режаси

ҚХУҚС доирасида янги уй-жойларни лойиҳалаш стандартлари

27. ҚХУҚС доирасида янги уй-жойларни қуриш стандартлари. ҚХУҚС доирасида янги уй-жойларни қуриш стандартларининг шарҳи танлов таклифини тайёрлаш учун маълумотнома вазифасини ўтайди. Пудратчи уй-жой қурилишининг батафсил лойиҳа ва миллий қурилиш меъёрлари ва қоидаларига тўлиқ мос бўлиши учун жавобгардир.

28. Қурилиш меъёрлари. Миллий қурилиш меъёрларига мувофиқ, Ўзбекистондаги барча турар-жойлар (i) **Рихтер шкаласи бўйича 9 балгача** сейсмик фаолликка чидамли бўлиши, ҳамда **II ва III қурилиш-иқлим зоналарида**, вилоятлараро ўзгарувчи ҳолда, фойдаланишга яроқли бўлиши керак. _____ массиви учун табиий-иқлим хусусиятлар фарази қуйидагича:

- Ташқи қишки об-ҳавонинг ҳарорати = - _____ °С
- Шамолнинг тезлики босими = 0, _____ кгс/м²
- Қор қатлами оғирлиги $S_0 = 0, _____$ Кпа (50 кгс/м²)

29. Уй пойдеворига оид стандартлар. ҚХУҚС доирасида янги уй-жойларни лойиҳалаш стандартлари **КМК 2.02.01-98 «Бино ва иншоотларнинг пойдевори»**га мувофиқ белгиланади. _____ массивида _____ (сонли йил, ойда) муҳандислик-геологик қидирувлар амалга оширилди, ва майдоннинг геологик таснифи ва тупроқ шарт-шароитлари қуйидагича:

Геологик тасниф ва тупроқ шарт-шароитлари	Таснифи/шарт-шароитлар	Пойдеворни лойиҳалаш стандарти
Зилзилага қарши шарт-шароитлар	Зилзилабардошлик хусусиятлари II	
Тупроқ шарт-шароитлари	<ul style="list-style-type: none">Қумоқлар – чуқурлиги 0,3м дан 6,7м. гачаТупроқнинг чўқувчанлиги I - бетонга агрессив эмас	ГОСТ10178 – 85*
Тупроқ музлашининг энг катта чуқурлиги	– 0,XX м	
Ер ости сувлари шароитлари	<ul style="list-style-type: none">Жойлашувининг кутилаётган энг катта чуқурлиги 7,0мЕр ости сувлари – бетонга агрессив эмас	ГОСТ 10178 – 85*

30. Конструктив элементлар. ҚХУҚС доирасида янги уй-жойлар конструктив элементларини лойиҳалаш стандартлари **КМК 2.08.02-09 «Ижтимоий бино ва иншоотлар»** га мос келади.

- Пойдевор:** уйнинг котловани 900 мм чуқурликда қазилади ва тўйингунча қайноқ битум қуйилган қалинлиги 100 мм.ли шағалли асос тайёрланади. Котлованга цемент қуйилади, барча юзаларга икки мартаба қайноқ битум суртилади.

- b) **Тўсиқлар:** Тўсиқлар қўп бўшлиқли йиғма темирбетон плиталардан ясалади.
- c) **Деворлар:** Ташқи ғиштин (таянч) деворлар 380мм қалинликка эга бўлиши керак. Ички ғиштин деворлар (тўсиқлар) 120мм қалинликка эга бўлиши керак. Таянч деворлар ва тўсиқлар М75 ғишдан, ғишт билан эритманинг бирикувини оширувчи махсус қўшимчалар солинган М50 цемент эритмаси асосида барпо этилиши керак.
- a. Барча ғиштин деворлар бир қаторли териш орқали, барча оралиқлар эритма билан тўлдирилган ҳолда қурилади.
- b. Ташқи деворлар бурчаклари ёнламасига арматураланган ҳамда дераза/эшик ўрни атрофида бетон синчлар ўрнатилган ҳолда қурилади.
- c. Ички деворлар учун бурчакларини ёнламасига арматуралаш, ва кесишган жойларда полдан шифтгача 520 мм қадамли узунлиги 1,5м, СГ1 (серия Р/з 1,130-9с в.1) металл **стекалар** билан арматуралаш бажарилади.
- d. Таянч деворлар (-) 0,030 горизонтал белги бўйича цементли-қумли қоришма (Таркиби №100, нисбати 1:2) билан гидроизланиши керак.
- d) **Том:** Ёғоч синч, усти руҳланган пўлат билан қопланган, шамоллатиладиган болаҳонаси бор. [Зилзилабардошликка оид қурилиш стандартларига мувофиқ, том қурилмалари таркибига бўйламасига арматура чиқишлари билан арматураланган монолит бетон балкалар ва арматура билан мустаҳкамланган қиради ғишт девор қиради).
- e) **Дераза:** Икки қават ойнали ёғоч ёки пластик ойна блоклари.
- f) **Эшиклар:** Ёғоч эшик блоклари ўрнатилади.

31. Алоқа воситаларига уланиши. Объектларни алоқа тармоқларига улаш жараёнида телефонлаштириш ва телевидениени улаш аҳоли буюртмасига кўра ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

32. Электр токи ва симларнинг ўрнатилиши. Электр токи ва симларнинг ўрнатилиши стандартлари **КМК 2.04.17-98 «Турар-жойлар ва жамоат биноларини электр тармоқлари билан жиҳозлаш»**га мос. Уй-жойларга электр қувватини олиб кириш тури -«фасадга оид», 380/220V паст вольтли тармоқдан изоляторлардан шохобчалар шаклида хонадонлар считларига тортилади, бунда кесими 10мм² бўлган АПВ 0,38 симидан фойдаланилади. Ҳар бир янги уйга кириш жойида ҳимояловчи ўчириш мосламаси ва электр токи ҳисоблагичи ўрнатилади (ҳисоблаш мосламаси ва спецификацияси «Ўзбекэнерго» ДХЖ талабиша мос равишда).

33. Газ таъминоти. ҚХҚТИ доирасида янги уй-жойлар қурилиши газ билан таъминлаш стандартлари **КМК 2.04.08-96 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари»** га мос келади. Уй ичига ўтказиш полдан 2,6м баландликда амалга оширилади, ҳар бир янги уйда газ ҳисоблагичи ўрнатилади.

34. Иситиш ва шамоллатиш. ҚХҚТИ доирасида янги уй-жойларда иситиш ва шамоллатиш стандартлари **КМК 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш»** ва ШНК 2.08.01-05 «Уй-жойлар» га мос келади. **_____** объектида (массивида) атроф-муҳит ҳарорати қишда -XX° С етиши мумкин. Иситиш қозонхона орқали **КМК 3.05.01-97 «Ички санитария-техник тизимлар»**га мос равишда алоҳида қурилган қозонхонада жойлашган қозон(КОГн-30) ёрдамида амалга оширилади. Иситишнинг икки қувурли тизими чордоқда ва пол остида ўрнатиладиган, чўян радиаторларга (МС-90-108) уланган ҳолда изоляция қилинган, алюминий билан

арматураланган полипропилен қувурларда иссиқ сувнинг (70-95⁰С) циркуляциясини таъминлайди. Шамоллатиш тизимининг кириш-чиқиш тизими **КМК 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш»** ва ШНК 2.08.01-05 «Уй-жойлар» га мос равишда ўрнатилган.

35. Сув таъминоти, канализация, санитария-техник ускуналар. ҚХУҚС доирасида янги уй-жойлар учун сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш ускуналарини лойиҳалаштириш стандартлари **КМК 2.04.01-98 «Биоларнинг ички сув қувири ва канализацияси»**га мос келади. Ҳар бир уй-жой қувурлар орқали сув билан таъминланади ва сув ҳисоблагичи мосламаси ўрнатилади. Полипропилен қувурлар (PPRS d20 – 25мм) совуқ ва иссиқ сув таъминоти учун ўрнатилади. Электр сув иситгичининг «Ariston» модель SG 150, N = 2,2 кВт иссиқ сув таъминоти учун ўрнатилади. Ички ҳожатхона полиэтилен қувурлар (d50-100мм) ёрдамида ҳовлидаги ўрага улаш орқали жойлаштирилади. Сув қувурлари ташқи диаметридан 20 мм дан катта бўлган пластик гильзалар ички тўсиқлар ёки ташқи деворлардан ўтувчи барча қувурларга (совуқ сув, иссиқ сув, оқова сув) ўрнатилиши зарур. Гильза билан қувурлар орасидаги бўшлиқларни иссиқ бўлмаган материал билан зичлаштириш лозим, зилзилабардошлик стандартларига кўра пластик гильза ички тўсиқларда ва ташқи деворлардаги кесишадиган конструкциялардан 30мм га чиқиб туриши керак. ҚХУҚС доирасида уй-жойлар қурилиши стандартига ҳовли тармоғига уланиш киради, аммо бу ушбу контрактга киритилмаган.

36. Ички пардозлаш ишлари. Ички пардозлаш ишлари учун стандартларни танлаш жойлардаги мавжуд материалларга, харидорлар ҚХУҚС доирасида танлаш мумкин бўлган комбинациялар вариантларига боғлиқ бўлади. Ички пардозлаш бўйича лойиҳалаштиришнинг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

а) Деворлар:

- i. Пардозлаш эритмаси билан сувалган цоколи 0,6 м дан паст бўлмаган баландликда ўрнатилади.
- ii. Турар-жойларнинг деворлари ва шифти елимли бўёқ ва/ёки сувли эмульсияли бўёқ билан бўялади. Шифт ва откослар (дераза ва эшиклар ўрнида) оқ ранга бўялади. Турар-жой хоналари ва йўлаклар деворлари учун бўёқлар ранги хонанинг жойлашувидан келиб чиқиб таклиф қилинади. Шимол томонга 315° дан 45° га қараган хоналар учун иссиқ ранглар таклиф қилинади. Шарқ томонга 45° дан 315° га бўлган хоналар учун совуқ ранглар таклиф қилинади.
- iii. Ошхонанинг битта девори полдан 1,8 м баландликда кафель билан қопланиши керак, бунда деворнинг кафелдан юқори қисми елимли бўёқ билан бўялиши керак. Ошхонанинг қолган деворлари мойли бўёқ билан бўялади.
- iv. Ҳаммомда деворлар полдан 1,8 м баландликда сир билан қопланган сопол плитка билан қопланади, деворнинг панелдан юқори қисми елимли бўёқ билан бўялади.

б) Пол: Полни қоплаш вариантлари ёғоч ёки ёғочли ламинат билан, ҳаммом ва ошхона учун сопол плиткалар билан қоплашдан иборат.

37. Қўшимча иншоотлар. Қўшимча иншоотларга қозонхона, автомобиль учун айвон, ҳовлидаги ҳожатхона, йўлаклар ва участка ҳудудининг ўраб олиниши киради.

а) Қозонхона: Котельная с размерами в плане 1,75м х 2,45м ҳажмли қозонхона ғишдан (M75) эритма (M25) ёрдамида II категорияли (1,8 кг/см², R 1,2кг/см²) ғишт

териш усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Том ёғоч обрешетка устига металлочерепица қоплаш орқали қурилади; тўсиқлар қалинлиги 100 мм бўлган монолит темирбетон плитадан; деворлари 250 мм қалинликда армирланган тўрдан, баландлиги бўйича 520 мм қадам билан қурилади; эшик ўрни ўзак ва монолит тепадонлар билан ўралади.

b) **Ҳовлидаги ҳожатхона.** Ҳовлидаги ҳожатхона 1,25м х 1,75м ўлчамли, ўрали қилиб қурилади. Томи ёғоч обрешетка устига металлочерепица ўрнатиш орқали ёпилади; деворлари 250 мм қалинликда ғиштдан терилади, баландлиги бўйича 675мм сетка билан армирланган; эшик ўрни ўзак ва темирбетон тепадонлар билан ўралади.

c) **Автомобиль учун айвон:** Автомобиль учун айвон 3,0м х 6,0м ҳажмда устунсимон монолит фундаменти тўртта бурчак металл стойкаларига ўрнатилади. Томи ёғоч обрешетка устига металлочерепица ўрнатиш орқали ёпилади. Поли бетондан, 200х200 қадамли АIII д.10мм арматура билан мустаҳкамланган.

d) **Участка йўлаклари ва ўралиши:** Кенглиги 700мм ли йўлак қурилади. Кенглиги 50мм йўлак қалинлиги 100мм шағал асосда В7.5 тоифали бетондан қурилади. Шунингдек, металл дарвозали ва дарчали ўрам девори барпо этилади. Ўрам 3,0м қадамли 200мм шлакоблоклардан қурилади, узунасига деформацион чоклар билан бўлинган бўлади.

38. Зилзилабардошлик чора-тадбирлари. Миллий қурилиш меъёрларига мувофиқ, Ўзбекистондаги барча турар-жойлар Рихтер шкаласи бўйича 8 балли сейсмик фаолликка чидамли бўлиши керак. ҚХУҚС доирасида барча янги уйлар **КМК 2.01.03-96 «Сейсмик зоналарда қурилиш»** стандартларига мувофиқ қурилади. Бинолар зилзилабардошлиги стандартларига қуйидагилар киради:

a) Ғишт териш (II тоифа) ва бошқа конструктив элементлар қурилишига оид сейсмик стандартлар КМК 2.01.03-96 «Сейсмик зоналарда қурилиш» нинг 3.1 жадвалига мосдир.

b) Ташқи деворлар ташқи бурчаклари ёнламасига армирланган ҳолда қурилади, дераза/эшиклар ўрни арматура сеткаси билан армирланади.

c) Ички деворлар туташган жойларда полдан шифтгача 0,52м қадамли СГ-1 арматура сеткалари 1,5 см узунликдаги тасмалар шаклида қопланади (Серияли рақами Р/з 1,130-9с v.1),

d) Қопламалар плиталарида монолит бетон балкалар ўрнатилиши мўлжалланган, ғишт деворлар учи чиқувчи бўйлама арматурлар билан армирланади.

39. Ёнғинга қарши ва коррозияга қарши чоралар. ҚХУҚС доирасида барча янги уйлар **II класс ёнғинга чидамли КМК** га ва **КМК “Қурилиш конструкцияларини ёнғин ва коррозиядан муҳофаза қилиш бўйича қурилиш қоидалари ва меъёрлари”**га (2.03.11-96) мувофиқ қурилади. Муҳофаза қилиш чораларига қуйидагилар киради:

a) **Занжирни автоматик узиш мосламасини ўрнатиш.** Занжир узувчи мослама электр тармоқларда ёнғиннинг олдини олиш учун ўрнатилади.

b) **Том конструкциялари учун кимёвий ишлов берилган ёғочлардан фойдаланиш.** Том ва чордоқ қурилишида ишлатиладиган ёғочга ёнғиндан ҳимояловчи таркиб шимдирилиши керак. Унинг энг кам миқдорини 75кг/м² сульфатаммоний ва фосфор ишқорли аммоний концентрацияси 12-20% билан ишлов бериш ташкил этади.

с) **Пойдеворнинг гидроизоляцияси.** Барча юзаларга икки қават қайноқ битум сурилиши лозим. Фундамент иссиқ битум билан тўйинтирилган шағалли асосга қурилиши зарур.

д) **Деворлар ва тўсиқлар гидроизоляцияси.** Барча деворлар (-) 0,030 белгиси бўйича цемет қумли қоришма (М100, нисбати 1:2) билан гидроизоляция қилинган бўлиши керак.

Бирлаштирувчи металл деталлар ва конструкцияларни сир билан қоплаш.

Барча бирлаштирувчи металл деталлар ва конструкциялар бир қаватли сир (ПФ-020 GOST 18.186-79) ва икки қават эмаль бўёқ билан қопланиши керак (PF - 115).

Жамлама сметаси

40. Жамлама сметалари (5) _____ Вилояти лойиҳа институти (Лицензия № _____, ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан берилган) томонидан _____ [кк, ой, йил] тайёрланган. Барча жамлама сметалари ҚҚСнинг алоҳида сатрда қайтарилиши учун ҳисоб китобларни ўз ичига олиши зарур.

a) 6.7-илова: 3 хоналик уйга доир қурилиш ишлари ҳажми қайдномаси, Лойиҳа №ТР 184-32с-10

b) 6.8-илова 4 хоналик уйга доир қурилиш ишлари ҳажми қайдномаси, Лойиҳа № ТР 184-33с-10

c) 6.9-илова: 5 хоналик уйга доир қурилиш ишлари ҳажми қайдномаси, Лойиҳа № ТР 184-3Хс-10

d) 6.10-илова: асосий инженерлик коммуникацияларига уланиш учун қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси

e) 6.11-илова: 10 уйни қўшимча жиҳозлаш пакетларига доир қурилиш ишлари ҳажми қайдномаси (10 янги уйнинг харидорлари танловига биноан)

f) 6.12-илова: 10 уйга доир қурилиш ишларининг якуний қайдномаси формати. Якуний жамлама сметалари тўртта қисмдан иборат:

- 1-, 2- ва 3-қисмлар 3-хонали, 4-хонали, 5-хонали уй намуналарига оид Якуний иш ҳажми бўлиб, унда ҳар бир намуна бўйича Жамлама сметасида санаб ўтилган чиқим бирликлари келтирилган;
- 4-қисмда бутун пакетга оид умумий маълумот келтирилиб, унга бўлимда тақдим этилган.

(i) 1-қисмда қурилиш учун таклиф қилинган 10 янги уйнинг умумий қиймати бўйича жадвал келтирилган. Жадвалда 3-, 4- ва 5-хонали намунавий уйларнинг чиқимлари асосий харажат тоифалари бўйича берилиб, қўшимча устунларда қуйидагилар белгиланган:

(ii) 2-бўлимда барча 10 уйнинг инженерлик коммуникацияларига уланиши чиқимлар асосий харажат тоифалари бўйича батафсил келтирилган;

3-бўлимда 10 уй ҳар бири харидорининг танловига кўра қўшимча жиҳозлаш ишлари пакетларининг харажатлари тоифаларга бўлинган жадвал келтирилади.

6.7-илова. Бир қаватли 3 хонали уйнинг қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси

6.8-илова. Бир қаватли 4 хонали уйнинг қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси

6.9-илова. Бир қаватли 5 хонали уйнинг қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси

6.10-илова. Асосий инженерлик коммуникацияларига уланиш учун қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси

6.11-илова. 10 уйнинг қўшимча жиҳозланиши пакетлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмининг қайдномаси

6.12-илова. 10 уйнинг қурилиш ишлари ҳажми бўйича якуний қайднома